



**M.G.DAVLETSHINNING 100  
YILLIGIGA BAG'ISHLANGAN  
ILMIY-AMALIY ANJUMAN  
MATERIALLARI**



*Yosh avlodning psixologik salomatligi-davlat  
siyosatining ustuvor vazifasi*

**13.11.2023**

*Psixologiya o'quv-ilmiy markazi*



“Yosh avlodning psixologik salomatligi – davlat siyosatining ustuvor vazifasi ” mavzusida ilmiy – amaliy konferensiya materialllari. –10,8 b.t Toshkent: 2023y

**Ma’sul muharrir:** Psixologiya fanlari doktori, professor Z.T Nishanova

**Tahrir hay’ati:** Psixologiya fanlari doktori, professor G.N.Kamilova

Psixologiya fanlari doktori, professor Z.T.Nishanova

Psixologiya fanlari doktori, professor v.b. U.D.Abdullayeva

“Shaxs va shaxslararo munosabatlar psixologiyasi” laboratoriyasi mudiri dotsent G.Berdiev

“Psixologik xizmat va targ’ibot bo’limi psixolog mutahassisi G’.Tursunboyev

“Psixologik xizmat va targ’ibot bo’limi psixolog mutahassisi V.Ahrorova

**Sahifalovchi:**“Psixologik xizmat va targ’ibot bo’limi psixolog mutahassisi G’.Tursunboyev.

**To’plamda keltirilgan maqolalarning mazmuni va keltirilgan statistik ma’lumotlarga mualliflar mas’ul.**

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti “Psixologiya o’quv – ilmiy markazi” Ilmiy Kengashining 2023 yil 2 noyabrda bo’lib o’tgan yigilishida muhokama qilingan va nashrga tavsiya etilgan.

## КИРИШ

Республикамызда сўнгги йилларда халкимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриялари, буюк аждодлари тарихини билишга, ўзлигини англашга кизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ўзликни англаш тарихни билишдан, ота-боболаримиз, устозларимиз Ватан равнақи, илм-фан тараққиёти учун амалга оширган ишларини ўрганишдан бошланади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўк” асаридида, бу ҳақда тўхталиб, куйидаги фикрларни билдирган: “...мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёкмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган, ...адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафқураси ҳам тарих булоқларидан озикланади”<sup>1</sup>. Шундай шахслардан бири, психологлар илмий жамоатчиликда ўзининг алоҳида салобатли ўрнига эга олим Муҳаммад Габулгалимович Давлетшин бўлиб, у Ўзбекистон психология фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк олимдир.

М.Г.Давлетшиннинг 100 йиллик юбилейларига бағишланган анжуманнинг биринчи шўъбасида устоз ҳақида замондошлар ва шогирдларнинг хотиралари битилганки, бу хотиралар бўлгуси психологларга Ўзбекистон психология фанининг тамал тошини қўйган олим ҳақида илмий билим, тасавурларини кенгайтиради деган умиддаман.

Шунингдек, кейинги шўъбаларда анжуманнинг асосий мавзуси ҳисобланмиш ёш авлоднинг психологик саломатлиги ҳақида республикамыз олимлари, докторантлар, мустақил изланувчиларнинг илмий тадқиқотлари акс этган маърузалар баён этилган.

Анжуман ташкилотчилари бўлмиш “Психология” ўқув илмий маркази жамоасига, унинг раҳбари психология фанлари доктори, профессор Нодира Ғайратовна Камиловага ўз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман. Устозларга кўрсатилган эҳтиром, уларнинг шогирдларидан қайтсин!!!

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
“Амалий психология” кафедраси профессори, психология фанлари  
доктори Нишанова Замира Таскаревна*

<sup>1</sup>Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўк. – Т.: “Шарк”, 1998. – Б.27-28.

zamonlardan beri taqdir qilib kelingan, muallimlarning diqqatiga suyangan, vijdonlariga yuklangan muqaddas bir vazifadur”- deydi.

#### REFERENCES

1. Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularni mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3775-son qarori. 2018 yil 5 iyun.
2. Bo'ronova D. Yoshlar – davlatning rivojlanish strategiyasida // Sharqshunoslik. – Toshkent, 2006. – № 2. – B. 144-149.
3. Vorobev N.E., Suxanseva V.K., Ivanova T.V. O pedagogicheskoy culture budushego uchitelya // Pedagogika. 1992. – № 1-2. – S. 667-70.
4. Ismailova, N., & Grahova, S. Mythological stories about house-spirit: Themes, structure, psychological particularities.
5. Ismailova, N., Panfilov, A., Ljdokova, G., & Farhatovich, K. Gender aspects of confounding factors in the preparation of powerlifters.
6. Ismailova, N., & Grahova, S. Bylichkas in folklore for children: Psychology of being.
7. Gaifullina, N., Ismailova, N., Makarova, O., Panfilov, A., & Ljdokova, G. Individual psychological singularities of persons with disabling diseases.
8. Ismailova, N., Tsagarelli, Y., & Shumikhin, S. (2017). Computerised system to rate junior athletes' psycho-emotional stability in team and individual sport disciplines. SCOPUS00403601-2017-8-SID85039420339.

#### **Иқтидорли болалар қобилиятива мулоқотининг шаклланиши**

*Абдуллаева Зухро Исмоиловна  
Термиз давлат университети тадқиқотчиси*

Ҳар бир жамият ўзига зарур шахсни тарбиялайди унга ўз тараққиёти даражаси ва тенденцияларидан келиб чиқиб ахлоқий, эътиқодий, касбий-

профессионал, ҳуқуқий ва бошқа қатор талаблар кўяди. Жамият тараққиётининг мақсади ҳам айнан инсон, унинг фаровон, эркин ва хавфсиз турмуш кечиришидир. Жамият талабига тўлиқ жавоб берадиган киши турли даврларда ҳар хил аталган. Юсуф Хос Ҳожиб уни “туғал эр”, Форобий “фозил киши”, тасаввуф намояндалари “комил инсон” деб атаганлар. “Ҳар томонлама ривожланган шахс”, “уйғун ривожланган шахс” атамалари ҳам қўлланилган. Буларнинг барчаси турли даврларда шахснинг камолоти, унинг иқтидори асосий эътиборталаб масалалардан бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқида тараққиётимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини таъкидлади. Мазкур стратегик ғоя ўзининг улғуворлиги, миллий юксалиш барча жабҳаларда қандай умумий мақсадни кўзламоғи зарурлигини кўрсатади. “Учинчи Ренессанс ғоясини, аввало, жамият аъзолари чуқур англаб олиши лозим. Турли соҳаларда қиладиган ишларимиз, режаю истиқбол дастурларимиз, таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, инвестицион сиёсат — барчаси унга шароит ва муҳит яратишга қаратилмоғи лозим.” деб таъкидлаган Ш.Мирзиёев.

Инсон дунёга келгандан бошлаб ўзида таълим–тарбияга эҳтиёж сезади ва бу шунчаки руҳий–физиологик инстинкт бўлмай, оламни тушунишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга бўлган зарурат, яшаш учун курашиш натижаси ҳисобланади. Билимга бўлган интилиш, ташаббускорлик, ташкилотчилик, фаоллик, хозиржавоблик каби сифатлар маънавий камолот сари етаклайди. Инсониятнинг маънавий камолоти ўз навбатида жамият тараққиёти даражасини белгилайди. Жамиятнинг тараққиёт даражаси албатта ёшларнинг қобилиятлари ва ақлий салоҳиятларига боғлиқ бўлади.

Дарҳақиқат, жамият тараққиёти илғор зиёлилар, фан ва техника сирларини чуқур биладиган ва ишлаб чиқаришга жорий эта оладиган кенг билимли, тадбиркор, мулкдорлар, моҳир ташкилотчилар қўлида бўлади. Шу сабабли ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятларини ривожлантириш энг муҳим масалалардандир

Истеъдодли ва қобилияти ёшлар, уларнинг таълими ва тарбиясини ташкил этиш барча замонларда долзарб масалалардан бўлиб келган. Тарихда ўтган буюк алломаларимиздан ўрта аср математика илми ва мактабининг асосчиси Ал-Хоразмий, Шарқ “Аристотели” унвонига сазовор бўлган Абу Али Ибн Сино, йирик олим Абу Райхон Беруний, ўрта аср астрономиясининг асосчиси ал-Фарғоний, ҳадис шарифнинг буюк алломалари Имомлар Исмоил ал-Бухорий ва Абу Исо ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, мутафаккирлар Мирзо Улугбек, Жалолiddин ад-Давоний (IX – XII асрлар), Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур (XIV – XV асрлар) сингари буюк ақл-зиё эгаларининг номлари жаҳонда машҳур, чунки улар жаҳон цивилизациясига, жаҳон фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган буюк зотлар эдилар. Улар дунёвий ва диний билим асосларини мукамал эгаллабгина қолмай, балки ўз соҳаларида мўъжиза ярата олган алломалар бўлиб, билимга ахлоқни, иймонни, адолатлиликни, инсонпарварликни, ватанпарварликни қўшиб олиб борганлар. Алломалар ўз асарларида қобилиятли ва истеъдодли ёшларга

таълим-тарбия бериш борасида ибратли фикрларни билдириш билан бирга ўзлари ҳам жуда катта истеъдод эгалари бўлганлар.

Иктидор тушунчаси жуда кенг маънодаги тушунча бўлиб, илмий термин сифатида эмас, балким халқ тилида билимдон, билагон, фаол, ташаббускор, ташкилотчи кишиларга нисбатан қўлланилади.[1] Иктидор, қобилият ва истеъдод бир-бирига яқин, лекин мазмун-моҳияти билан фарқ қиладиган тушунчалар ҳисобланади. Яъни қобилият ва истеъдод тушунчалари илмий иборалар қаторига кириб, психологиянинг асосий категорияларидандир. Ўз маъноси билан бу тушунчалар инсон имкониятларининг ижтимоий муҳитда кенг ва муваффақиятли татбиқини таъминлайди. Қобилиятли киши маълум бир соҳада ўта муваффақиятли, илғор, зукко бўлиб, унинг табиатида ўзига хос имкониятлар мажмуаси фаолият кўрсатади. Иктидор сўзи эса ўзбек тилида қадимдан кенг маънода ишлатилиб келинган ибора бўлиб, бугунги кунда салоҳиятли, илғор, фаол, ҳаракатчан кишиларга нисбатан айтилади.

Иктидорли болалар - ноёб шодиса боълиб, улар алоҳида эътибор ва индивидуал ёндашувни талаб қилади. Биз ўқитувчи томонидан иктидорлиларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган ўқув жараёнини самарали куриш ва ташкил этиш мақсадида иктидорли ўсмирларнинг мулоқот хусусиятларини ўргандик.

Б.М. Теплов иктидорлиликни “Катта ёки кичик муваффақиятга эришиш имконини берувчи қобилиятнинг сифат жиҳатдан ноёб комбинацияси” сифатида таърифлайди. Иктидорли болалар деб, оъсмирлар, ўғил болалар ва қизлар тенгдошлари ёки уларнинг ижтимоий гуруҳида ўз қобилиятларининг ривожланиш даражаси бўйича аниқ ажралиб турадиганларни эътироф этади.[4]

Психологик тадқиқотларда иктидорлилик билан коммуникатив хусусиятлар ўртасида ўзига хос муносабат мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, иктидорли ўсмирларда қуйидаги характерли хусусиятлар намоён бўлади:

- интеллектуал иктидорлиларда шахсий ҳаётга интилиш, махфийлик; ташвиш ва ҳиссийбеқарорлик; ўзига ва ўз қобилиятига ишонч йўқлиги, қўрқув вабошқа одамларга ишончсизлик;

- ижодий қобилиятли ўсмирлар ўртача балл билан тенгдошларидан ёлғизлик ва изоляцияга мойиллик, шунингдек уларда қарама-қарши тенденция хушчақчақлик, оъзига ишонч, жасорат қабилар кузатилади. Улар интеллектуал иктидор эгаларига нисбатан эмоционал барқарор, оғир босиқ ва ўзини ижобий баҳолайдилар.[5]

Иктидорли болалар таълими ва тарбиясини ташкил этишда биринчи навбатда қуйидаги муҳим жиҳатларга аҳамият бериш тавсия қилинади: иктидорли болаларни саралашда илмий асосга эга бўлган психологик ўлчов методикаларини жорий қилиш ва шу асосда мактаб ихтисослигига мос келадиган болаларни тўғри саралаш; махсус тайёргарликка эга бўлган,

салоҳияти баланд, янги педагогик технологияларни ўзлаштирган педагоглар жамоасини шакллантириш кабилар.

Шу нуқтан назардан иктидорли ва истеъдоддиларни юзага чиқаришда муҳим ҳисобланган вазифалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин;

1. Кенг ақлий имкониятларга эга бўлган болалар таълимини ташкиллаштириш учун фан ёки соҳа доирасида уларнинг талаб даражаларига мос келадиган, кенгайтирилган ва бойитилган таълим дастурлари ишлаб чиқилиши зарур.

2. Юқори интеллект ва ижодий қобилиятли болаларни тегишли тарзда ривожлантиришда мактабдан ташқари олиб бориладиган машғулотлар кўламини кенгайтириш керак. Чунки дарс жадвали доирасида чегараланган машғулотлар иктидорли ўқувчиларнинг кизиқиш ва имкониятларини тўлиқ қондира олмайди. Дарсдан ташқари машғулотларда болалар яхши ривожланадилар.

Ўқитувчининг шахси ҳар қандай ўқитишнинг етакчи фактори ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бола шахсини ривожлантирадиган юқори малакали, илғор ўқитувчи шахси шаклланган бўлиши керак. Бунинг учун мактабда психологик хизмат тўғри йўлга қўйилиши, жумладан, иктидорли ўқувчиларга таълим тарбия берадиган ўқитувчилар билан мунтазам равишда тренинглар, давра суҳбатлари ўтказиб туриш ва уларнинг саводхонлигини, касбий салоҳиятини ошириш мақсадида илғор ўқитувчиларни шу мактабга жалб қилиб, ўқув-методик семинарлар ташкил қилиниши зарур.

#### **Адабиётлар**

1. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Дарслик. Тошкент, 2017 й., 118б
2. Лейтес Н.С. Возрастная одаренность и индивидуальные различия. - М.: Воронеж, 1997. – 56 с.
3. Майерс Д. Социальная психология. Интенсивный курс.- СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2002- 512 с
4. Теплов, Б.М. Психология. Учебник для средней школы / Б.М. Теплов. – М.: УЧПЕДГИЗ, 1953 – 254 с.
5. Лосева, А.А. Работа практического психолога с одаренными детьми подросткового возраста // Журнал практического психолога / А.А. Лосева. – 1998. – № 3.

#### **Оилада боланинг альтруистик мотивларини ривожланиши**

*психология фанлари доктори DSc,  
Атабаева Наргис Батировна  
Тошкент давлат педагогика университети  
“Психология” кафедраси профессори в.б.*

#### **Аннотация**

<b>MUNDARIJA</b>	
<b>I-SHO'BA/SEKCIYA/SECTION</b>	
<b>Professor Muhammad Davletshin - O'zbekistonda gumanistik psixologiyaning asoschisi</b>	
Umarova X.U. Ilmga bag'ishlangan umr yo'li, ta'limdagi oltin iz	3
Қирғизбоев А.К. М.Г.Давлетшин – Психология Илми Дарғаси, Ибрат Намунаси	7
Абдуллаева Б.С. М.Г.Давлетшин – Буюк Тарбиячи	9
Камилова Н.Г. Муҳаммад Давлетшин – Ўзбекистон психологияси гуманизм ғояларининг давомчиси	11
Баротов Ш.Р. Бағри кенг Устоз эдилар	14
Турсунов Л.С. М.Г.Давлетшинни шахс генезисига когнитив ёндошувлари	15
Дусмухамедова Ш.А. Бағри кенг олим, фидойи инсон	18
Nishanova Z.T. Ustoz M.G.Davletshinni хотirlab	20
To'uchiyeva S.M. Ustozga munosib shogird bo'lish yo'lida	22
Г.Бердиев Келажакни башорат қилган устоз	25
Махсудова М. Ҳаёт ва илм йўлидаги улуғворлик	26
Акрамова Ф.А. М.Г.Давлетшин – устозлик мақомига чин маънода муносиб ибрат ва шижоат соҳиби	27
Qodirov K.B Muhammad Gabdulgalimovich Davletshin: Bir shogird xotirasidan lavhalar	29
Азим Жабборов Психология фани оламида таникли ва истъодли олим	32
Назирова Л.В «Профессор Мухаммед Давлетшин основатель гуманистической психологии в Узбекистане»	35
Эргашев П.С. Муҳаммад Давлетшин: Шогирд хотиралари ёхуд вақт билан беаёв кураш	37
Odilova N.G. Hayoti saboq ustoz	39
Alimova U.R Baxtiyorova D.O Professor Muxammed Davletshin-O'zbekistonda gumanistik psixologiyaning asoschisi	40
Nishanova Z.Ya. M.G.Davletshin o'qituvchi kadrlar tayyorlashni takomillashtirishning psixologik muammolari haqida	43
Файзийева М. Етук психолог олим	46
<b>2-SHO'BA/SEKCIYA/SECTION</b>	
<b>Yosh avlodning psixik salomatligi – psixologiyaning dolzarb muammolaridan biri.</b>	
Abdulmajidova M.D Salaydinova A. Kasbiy moslashuvni takomillashtirish muammosiga zamonaviy yondashuv	47
Ahrorova V.S Bulling ijtimoiy-psixologik hodisa sifatida: tushuncha va mohiyat	52
Amirkulov J.R “Iqtidorlik tushunchasining psixologiyada nazariy jihatdan o'rganilishi”	55
Asraghanova E.A Autizm spektrida buzilish aniqlangan farzandi bor onalarga ko'rsatiladigan psixologik yordam mazmuni	59
Акрамова Ф.А Ёшларни соғлом фикрли, маърифатли шахс этиб тарбиялаш-долзарб муаммо сифатида	65
Алимова Г.К. Лутфуллаева И.А. Развитие познавательных процессов детей дошкольного возраста путем игровых ситуаций	69
Алимова Г.К Боланинг психик ўсишида ўйиннинг аҳамияти	71
Арзикулов Ў.М Замонавий талабалар ривожланишининг психологик жиҳатлари	77
Achilova M.M Pedagogik - psixologik bilimdonligi o'qituvchining yuksak kasbiy fazilatidir.	80
Абдуллаева З.И Иқтидорли болалар қобилияти ва мулоқотининг шаклланиши	83
Атабаева Н.Б Оилада боланинг альтруистик мотивларини ривожланиши	86
Askarova G. Coping behavior in students is one of the current problems of psychology	90
Аскарлова Г, Маузерова М. Влияние стресса на здоровье молодого поколения	93
Nazarov A.S. Yoshlarda din asosida mutaassiblashuv va uni oldini olishning ijtimoiy-psixologik asoslari	97
Bo'ronova H.A Psixoanalizda konsultantning roli	101
Shamsiddinov B.N. Himoya mexanizmlari falsafiy – psixologik kategoriya sifatida	104
Begmuratova D.A Bo'lajak tarbiyachilarning axborot kompetensiyasi haqidagi ilk tushunchalarini shakllantirish.	107

<b>Norqo'ziyeva D. Sh. Maxammadova S.</b> Bolalar psixik taraqqiyotiga ta'sir etuvchi qo'rquvni bartaraf etishda ertak terapiyaning o'ziga xos psixologik imkoniyatlari	<b>110</b>
<b>Djalalova M.A. Madaminova M.M</b> Maktabgaca yosh davridagi bolalarning ruhiy salomatligi tarbiyachilarga bog'liqligining sabablari	<b>117</b>
<b>Дусмухамедова Ш.А, Хамроева З.</b> Ижтимоийлашув жараёнидаги фаоллик ва психологик саломатликнинг ўзаро боғликлиги	<b>119</b>
<b>Shokirov D.M. Mirzahakimova M.M.</b> Shaxslardagi tolerantlik hissini eksperimental psixologik jihatdan o'rganishi	<b>121</b>
<b>Dusmuhamedova Sh.A, Botirova D.B</b> Ruhiy salomatlik – psixologiyaning dolzarb muammolaridan biri sifatida	<b>124</b>
<b>Бозорова Д.С.</b> Психологик адабиётларда масъулият тушунчасининг талкини	<b>129</b>
<b>Э.Эргашев, О.Хамидова</b> Ёшларни мулоқотга ўргатишда ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш	<b>131</b>
<b>Эргашев Н.Х</b> Шахснинг шаклланишида мусика санъатининг ўрни	<b>134</b>
<b>Тоҳирова Г.Д.</b> Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида	<b>137</b>
<b>Исакова М.Т</b> Инсон рухий саломатлигининг ижтимоий-психологик омиллари	<b>139</b>
<b>Ишбобоева Г.Р</b> Психологик тадқиқотлар ракурсида ўсмирлик давридаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш муаммолари	<b>145</b>
<b>Ишбобоева Г.Р</b> Ўсмирлик даврида ижодкорлик намоён бўлишининг сабаблари	<b>148</b>
<b>Ibragimova Sh.G. Abdullaeva M.D</b> O'spirinlardagi empatiyani shakllanishida shaxslararo munosabatlarning ta'siri.	<b>151</b>
<b>Ibragimova Z.O</b> Ijtimoiy tarmoqlarning o'smirlar psixologiyasiga ta'siri	<b>155</b>
<b>Исмайлова Р. Шоахмедова З. Абдиева М.</b> Эмоциональный стресс как социально-психологическая проблема общества	<b>159</b>
<b>Inogamova L.U.</b> Yoshlarda stressga bardoshlikni shakllantirishda psixologik salomatlik usullarini rivojlantirish	<b>132</b>
<b>Ibragimova Sh.G. Zokirova M.Sh.</b> O'smirlardagi internet addiksiyatsiyasining psixologik xususiyatlari.	<b>164</b>
<b>Жалолова М.О</b> Ёш авлод тасавурида онладаги роллар тақсмотининг тутган ўрни (харбийлар оиласи мисолида)	<b>167</b>
<b>Жўраев Қ.И</b> Ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик аспекти	<b>169</b>
<b>Жўраева Г.Э</b> Ўсмирликни касб танлашга йўналтириш ижтимоий воқелик сифатида	<b>172</b>
<b>Жўраев Х.О, Атаҳўжаева Ш.А</b> Шахс психик саломатлиги-глобал муаммо сифатида	<b>175</b>
<b>Жалилова С.Х.</b> Шахснинг психик саломатлиги мезонлари	<b>178</b>
<b>Jo'rayev.N</b> Shaxs rivojlanishida refleksivlikni namoyon bo'lish xususiyatlari	<b>181</b>
<b>Жўраева С.Н</b> Шахс психик саломатлиги-глобал муаммо сифатида	<b>185</b>
<b>Jabborov X.X</b> Tarbiya jarayoni samaradorlogining asosiy psixologik shart-sharoitlari	<b>190</b>
<b>Каримжонов М.Р</b> Неврознинг болаларда кечишини ўзига хос хусусиятлари	<b>195</b>
<b>Karimov X.</b> Globallashuv va axborotning psixologik xavfsizligi	<b>198</b>
<b>Miralimov M.Y</b> Voyaga yetmagan shaxslarda jinoyat motivlari shakllanishining psixologik xususiyatlari	<b>201</b>
<b>Мақсудова М.А.</b> Рухий саломатликни таъминлашда Рух ва мианинг ўрни	<b>203</b>
<b>Мамажонов Ш.К</b> Ўсмирдаги кимёвий қарамликнинг рухий саломатликка таъсири	<b>206</b>
<b>Маннобова Э.Б</b> Қийин ҳаётини вазиятни енгишнинг ҳаётини бардошли ва қурбон услублари	<b>210</b>
<b>Мўминов Д.М</b> Юқори синф ўқувчиларининг касб танлаш мотивлари	<b>213</b>
<b>Музаффарова Г.М</b> Особенности психологического обеспечения организации работы с молодежью	<b>216</b>
<b>Маркендуди М.А</b> К вопросу иерархии мотивов употребления нарковеществ и пропаганде психологического здоровья в молодежной среде	<b>218</b>
<b>Махаммаджонов Ж.З</b> Sog'lom turmush tarzi muammolari	<b>222</b>